

Оммавий спорт ривож

2018 йил 28-29 сентябр кунлари “1 октябр – Устоз ва мураббийлар куни” байрами муносабати билан институт талаба-ёшлари ўртасида оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида, спортнинг футбол ҳамда волейбол турлари бўйича спорт мусобақаси кўтаринки руҳда ўтди.

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Қ.Шавазов тадбирни очиб берди. Мусобақада жами 7та факультет (ГМ, ГИМ, ГТҚ, ҚСХЭТ, ҚХМ, ЕРБ, СХТЭБ,) терма жамоалари қатнашишди. Мазкур мусобақада 170 нафар талаба-ёшлар фаол иштирок этишди. Мусобақа сермазмун ва самарали ўтказилди. Ушбу беллашув якунида ғолиб жамоалар институт Раҳбарияти томонидан диплом, кубок ҳамда эсталик совғалари билан муносиб тақдирландилар. Мусобақа ғолиблари қуйидаги натижага эришдилар:

1-ўрин. ГТҚ факультети терма жамоаси

2-ўрин. ҚСХЭТ факультети терма жамоаси

3-ўрин. ГИМ факультети терма жамоаси

Факультетлараро талаба-қизлар ўртасида Волейбол бўйича мусобақа жуда қизиқарли тарзда ўтди.

Улар эгаллаган натижалар қуйидаги тарзда булди:

1-ўрин ГМ факультети терма жамоаси.

2-ўрин СХТЭБ факультети терма жамоаси.

3-ўрин ЕРБ факультети терма жамоаси



**“Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири М.Норқобилов ахбороти
Институт матбуот котиби Рахимбой Жуманиёзов**